

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**
№-908

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Shartnoma loyihasi Piskent tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 05 iyul kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Lotihaga ko‘ra, “Pudratchi” "AVTOYO‘L SANOAT INVEST" MCHJ “Buyurtmachi” Piskent tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasining buyurtmasiga asosan Kultepa MFY asosiy ichki yo’llarida ta’mirlash ishlarini olib borishi belgilangan.

Loyihani rasmiylashtirishda, O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi 364-366, 631-655-moddasi O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-I-son Qonunining 10-moddasi talablariga rioya qilingan, ko‘rsatiladigan xizmatlar miqdori, narxi 874 071 250 (Sakkiz yuz yetmush to‘rt million yetmush bir ming ikki yuz ellik) so‘m, hisob-kitoblar, tomonlarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartiblari qayd etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



R.Surobov

VI. ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ (НАМУНАВИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ)

4 -сонли

Тошкент вилояти.

"8" июль 2022 йил

Пискент тумани Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринда "буюртмачи") номидан Устав асосида иш юритувчи директор С.М.Пармонов бир томондан ва "AVTOYO'L SANOAT INVEST" МСНJ (кейинги ўринларда "пудратчи") номидан Устав асосида иш юритувчи директор Ш.Рузметов иккинчи томондан, бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан Култепа МФЙ асосий кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги"ги 684-сонли конунига асосан <https://xarid.uzex.uzmaxsus> ахборот портали орқали (Лот раками 110295) эълон килинган ва Пискент тумани Ободонлаштириш бошқармаси харид комиссиясининг 2022 йил 30 июн даги 3-сонли баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар: мазкур пудрат шартномасини туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган курилиш нархи тастиклanganманзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Фазначилигига рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 фойз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ККС билан 874 071 250 (Саккиз юз етмиш тўрт миллион етмиш бир минг икки юз эллик) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур холларда айrim иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси холосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айrim иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисад қилинса, ушбу маблағни мазкур обьектнинг айrim харажатлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва кўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини коплаш учун обьектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан обьектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофик топширади;

-пудратчи курилиш давомида смета хужжатларида хисобга олинмаган ишларни аникласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан курилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал килган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартлома шартларига мувофик топширади;

-мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, курилиш материаллари, буюмлар вактинчалик бинолардан бўшатади;

-курилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласи.

4.4. Пудратчи дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равиша қабул килиб олишни таъминлаш;

-пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул қилиш;

-5 кунлик муддат ичида пудратчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аникланса уларни кўрсатган ҳолда пудратчига қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи аванс (бўнак) олгандан кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи пудратчига шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бунак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Пудратчи таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириткирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.5. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета хужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равиша ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг хар бир тури (боскичи) бўйича қабул қил олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амал оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйидалолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рух берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари ишларни қилинади.

8.8. Пудратчи буюртмачининг курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритадафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажариширишади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талбайида бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталкисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари ва маблағларни ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатни қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИКЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмир тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилни курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаса форс-мажор ҳолатлари (фавкулотда вазиятлар, фавкулотда ҳолат, юкори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчкотказо) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилиши бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарли озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шерик томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларни бозорда йўклиги, Пудратчидан зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равзанинга узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервацияни килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг харбештада мажбуриятларни бажариладиганда келишини талаб қилишга ҳаклидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имсанасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда турибарча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмир тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоиди ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирлашган объект тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.2. Пудратчи ташкилот ишчикомиссияга қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойихаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофикалар сертификатлари;
- ишларни бажариш журнали;
- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф килинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.3. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси тамондан қабул қилинган конун ва меёрий хужжатларга асосан

жавобгарликка тортиш түгрисида урнатилган тартибда конунни мухофаза килувчи муассасаларга мурожат килиш хукуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кўпайган ҳолда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб қўйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларida ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Конуни ва бошқа конун хужжатларida, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган пудратчи ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган курилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида курилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ кабул қилишда Пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-конли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда

пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда буюртмачи ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлкурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган микдорида жарима ундириш хукукига эга. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун пудратчи Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) микдорида жарима тўлайди.

14.5. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисобкитобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукукига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хуқук ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

17.2. Мазкур шартномага қўйидагилар илова қилинади ҳамда шартноманинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БҮЮРТМАЧИ

Пискент тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Тошкент вилояти Пискент тумани

Мўминобод МФЙ А.Алавия кўчаси 19 уй

Ш/х: 401722860272507045204110001

ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110

Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги

Газначилигининг Амалиёт бошкармаси

х/р 23 402 000 300 100 001 010

МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор

С.М.Пармонов



ПУДРАТЧИ

"AVTOYO'L SANOAT INVEST" МСНҶ

Тошкент шаҳар Миробод тумани

8-март кучаси 57 уй

СТИР 303314262

ОКЭД 23990

ТЕЛ - 95-193-37-77

х/р 20208000900468247011

ASIA ALLIANCE BANK

МФО : 01095



Ш.Рузметов

2022 йил «8» июлдаги
4-сонли шартномага
1 - илова

Шартнома баҳосини келишуви
БАЁННОМАСИ

Биз, куида имзо чекувчилар: Пискент тумани Култепа МФЙ асосий кўчаларини жорий таъмирлаш бўйича 2022 йил “8” июлдаги 4-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 874 071 250 (Саккиз юз етмиш тўрт миллион етмиш бир минг икки юз эллик) сўмни ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

“Буюртмачи”



“Бажарувчи”



2022 ийл "8" июлдаги
4-сонли шартномага
 2-илова

Пискент тумани Култепа МФЙ асосий күчаларини жорий таъмирлаш бўйича

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

МИНГСҮМ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	
	Аванс микдори	262 221 375,00	1 ой	262 221 375,00	Июль ойи
1	Жорий таъмирлаш	611 849 875,00	1 ой	611 849 875,00	Июль-август ойи
	Жами:	874 071 250		874 071 250	

Буюртмачи





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AVTOYO'L SANOAT INVEST" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektlining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"AVTOYO'L SANOAT INVEST" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartinigan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.04.2015

007593-03

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sena, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

303314262

Tashkiliy-huquqiy
shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi

Toshkent shahri, Mirobod tumani, 8-mart ko'chasi, 57-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatidan o'tkazuvchi organning to'liq nomi).



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 110295 на приобретение Култепа МФЙ
Асосий йулларини таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 30.06.2022

Время рассмотрения 30.06.2022 16:24

Конкурсная комиссия Пискент тумани хокимлиги ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	OTAXONOV VASITXON VALIXONOVICH	Bosh muxandis	Piskent Obodonlashtirish boshqarmasi
Секретарь комиссии	TURG'UNBOYEVA DILFUZA RAXMONQULOVNA	Bosh hisobchi	Piskent Obodonlashtirish boshqarmasi
Член комиссии	QORIYEV BAXTIYOR MUXSUMOVICH	Muxandis	Piskent Obodonlashtirish boshqarmasi
Член комиссии	BOYMATOV ISMAILJAN RASHIDOVICH	Bolim boshligi	Piskent Obodonlashtirish boshqarmasi
Член комиссии	MAXMUDXANOVA JAMILAXON RUSTAM QIZI	Iqtisodchi	Piskent Obodonlashtirish boshqarmasi
Член комиссии	MAJIDOV FARXADJON ABDUZAXIDOVICH	Bolim boshligi	Piskent Obodonlashtirish boshqarmasi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.06.2022 года № лота 110295.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Пискент тумани Култепа мфй асосий кучасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	920 075 000.00
Стартовая сумма	920 075 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2. IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати, 5-шакл

Тип: Бинарное значение

